



doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a61

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИКНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Юлдошев Улуғбек Асқар ўғли -
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети таянч докторантни

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда давлат-хусусий шерикликни ташкил қилиш, давлат-хусусий шерикликнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамияти, илмий ва назарий жиҳозатларини тадқиқ қилишда давлат-хусусий шерикликка оид атамалар шарҳи келтириб ўтилган. Давлат-хусусий шериклик иштирокчилари ва манбаатдор субъектларининг ўзаро боғлиқлигига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Калим сўзлар: Давлат, хусусий шерик, давлат-хусусий шериклик (ДХШ), лойиҳа, хусусий сектор, хусусий компаниялар, соҳа.

РОЛЬ И ВАЖНОСТЬ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОЕ ПАРТНЕРСТВО В ЭКОНОМИКЕ НАШЕЙ СТРАНЫ

Юлдошев Улуғбек Асқар ўғли -
Базовый докторант Узбекский государственный
университет физической культуры и спорта

Аннотация. В статье рассказывается об организации государственно-частного партнерства в нашей стране, роли и значении государственно-частного партнерства в экономике нашей страны, изучении научно-теоретических аспектов государственно-частного партнерства. Особое внимание уделено взаимозависимости участников и стейкхолдеров государственно-частного партнерства.

Ключевые слова: Государство, частный партнер, государственно-частное партнерство (ГЧП), проект, частный сектор, частные компании, сфера.

PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN THE ECONOMY OF OUR COUNTRY THE ROLE AND IMPORTANCE OF PARTNERSHIP

Yuldoshev Ulugbek Askar ugli -
Basic doctoral student of Uzbek state
university of physical culture and sport

Annotation. The article describes the organization of public-private partnership in our country, the role and importance of public-private partnership in our economy, the study of scientific and theoretical aspects of public-private partnership. Particular attention was paid to the interdependence of participants and stakeholders of public-private partnerships.

Keywords: Public, private partner, public-private partnership (PPP), project, private sector, private companies, sphere.

Кириш. Илмий изланишлар ва тарихий маълумотлар далолат берадики, давлатнинг хусусий тадбиркорлар билан деярли барча даврларда ҳамкорлик ва иқтисодий самарадорликка эришиши асосий мақсади бўлган. Ўрта асрларга келиб, ҳокимият ва хусусий шахслар (тадбиркорлар) ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бир кўриниши сифатида, асли генуялик машҳур денгизчи сайёҳ Христофор Колумбнинг 1492 йилдан 1504 йилгача бўлган экспедициялари ана шундай шаклдаги ҳамкорликнинг ёрқин мисолидир. Қироллик Христофор Колумбга “Дон” унвонини тақдим этади. У сафарни муваффақиятли якунласа, эгаллаган ерларини бошқариш ва у ерларда қазиб олинган фойдали қазилмалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. 1491 йилда тузилган шартномага кўра, Колумб харажатларнинг саккиздан бир қисмини ўз бўйнига олган. Тузилган шартноманинг молиявий натижаси қўйидагича тақсимланган: олиб келинган товарлар ва та-

бий ресурсларнинг 90 фоизи ҳукуматга ўтган, 10 фоизи эса сарфланган харажатлардан ташқари Христофор Колумб ҳисобига ўтган [1].

Бугунги кунга келиб, ривожланган мамлакатларнинг муваффақиятли ишбилармонлик муҳити, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириши, иирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликнинг (ДХШ) аҳамияти жуда муҳимдир. Давлат-хусусий шериклик замонавий иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим асос ҳисобланади, чунки мамлакатда давлат-хусусий шерикликни муваффақиятли амалга ошириш инқироздан кейинги мураккаб шароитда давлатнинг бизнес билан ўзаро муносабатларга тайёрлигига боғлиқ.

Мамлакатимизда ҳам давлат-хусусий шериклик масаласига катта аҳамият берилмоқда. Президентимиз томонидан мамлакатимизда давлат-хусусий шерикликнинг қонуний асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2019

йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли ва 2021 йил 22 январдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисидағи қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги ЎРҚ-669-сонли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 мартағи ПҚ-5042-сонли “Республика аэропортларини бошқариш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 мартағи 184-сонли “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 20 тадан ортиқ қонун ва қарорлар қабул қилинди.

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунда давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги деб таърифланади [2].

Мамлакатимиз Президенти томонидан Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4-банди охирги хатбошисида келтирилган устувор вазифалардан бири сифатида “мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишида давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш” деб алоҳида таъкидлаб ўтилган [3].

Адабиётлар таҳлили. Кўпгина хорижий ва маҳаллий олимлар тадқиқот ишларида давлат-хусусий шерикликни ташкил этиш ва унинг аҳамиятини ёритиш мақсадида бир қанча тақлиф ва тавсияларини баён этган. Хорижий олимлардан Е.Дынин, М.Жерард, Е.Белый ва К.Антонова илмий тадқиқот ишларида давлат-хусусий шерикликнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирган.

Е.Дынин томонидан олиб борилган илмий изланишларда “Давлат-хусусий шериклик ижтимоий неъматлар яратиш ёки хизматлар кўрсатиш учун узоқ муддатли ва ўзаро фойдали асосда жамият (маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш)нинг моддий ва номоддий ресурсларини бирлаштириш жараёнидир” деб таъкидланган [4].

Яна бир иқтисодчи олим М.Жерарднинг фикрича, “Давлат-хусусий шериклик хусусий капитални ўзига жалб этиш ва давлат активларини бошқариш учун давлат капиталини ҳам жалб қилишни англатади” [5].

Россия Федерацияси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш миллий маркази томонидан ўtkazilgan «Просто и честно об инвестициях в инфраструктуру и государственно-частном партнерстве в России» (2019), «Государственно-частное партнерство в странах евразийского экономического союза» (2018), «Проект национального доклада о привлечении частных инвестиций в развитие инфраструктуры и применении механизмов государственно-частного партнерства в Российской Федерации» (2018) тадқиқотлар ва таҳлилларида айнан мамлакат инфратузилмасини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик муносабатларининг аҳамияти жуда муҳимлигидан далолат беришини кўришимиз мумкин [6].

Халқаро молия институтлари гуруҳига кирувчи Жаҳон банкида ҳам давлат-хусусий шерикликка қўйидаги таъриф берилган. “Давлат-хусусий шериклик – хусусий томон ва давлат органи ўртасидаги давлат активларини яратиш ёки хизматларини тақдим қилиш учун узоқ муддатли шартнома бўлиб, унда хусусий томон сезиларлича катта рисклар ва бошқарув учун жавобгарликни ўзига олади” деб таърифлаган [7].

Мамлакатимизда ҳам соҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантиришда илмий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ёш иқтисодчи олимлардан А.Султанов, У.Джуманиёзов ва К.Халмуратов ўз илмий ишларида давлат-хусусий шериклик давлатнинг узоқ муддатли стратегик вазифалари ва мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда, юзага келиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа таваккалчиликлар, хавф-хатарлар, рискларни тақсимлаш асосида хусусий сектор билан аҳоли учун ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик объектларни қуриш, соҳаларга инновациялар киритиш, хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган ўзаро манфаатли лойиҳа ва алоқаларидир [8].

Тадқиқот методологияси. Мақолани ёзишда олиб борилган изланишлар натижасида илмий мушоҳада ва абстракт-мантиқий фикрлаш усусларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси (асосий қисм). Мамлакатимизда давлат ҳокимият ва хусусий бизнес ҳамкорлигининг энг оддий кўринишларидан бири сифатида давлат ижтимоий инфратузилма объектлари (мактаб, боғча, шифохона, магистраль йўллар, бино-иншоот ва

ҳ.к.) куриш ёки модернизация қилишни режалаштираётганини эълон қилади ва тендерларда иштирок этиш учун сармоядорларни таклиф этади. Тендерда ғолиб бўлган хусусий компания лойиҳани молиялаштиради (капитални жалб қилади), иншоотни қуради (ёки модернизация қилади) ва бутун ҳаётий даври давомида бу объекнти бошқаради. Давлат ва хусусий компания ўртасида тузилган шартнома муддати якунида ундаги шартларга кўра, объект ёки давлатга топширилади ёки хусусий компания қўлида қолади. Давлат, ўз навбатида, хусусий шерикнинг барча харажатлари, кредит фоизлари ва даромадларини ўз ичига олган тўловларни амалга оширади.

Давлат ва бизнеснинг инфратузилмаларни ташкил этиш ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳим хизматларни кўрсатишда давлат-хусусий шерикчилик молиявий, технологик ва бошқарув ресурсларининг бирлашишидан иборат. Бундай ҳамкорликда муносабатлар давлат ва хусусий компаниялар кооперацияси сингари барпо этилади. Айни дамда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада иштирокчилар ўртасида хавфларнинг бўлиниши аниқ ва равshan қилиб кўрсатилиши шарт ва муҳимдир. Кўйидаги жадвалда давлат ва хусусий шерикнинг устунлик ва фойдалилик томонлари келтириб ўтилган.

1-жадвал

Лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий шерик учун фойда ёки устунлик жиҳатлари

Давлат учун	Хусусий шерик учун
<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ижтимоий аҳамиятга эга йирик лойиҳаларни амалга ошириш имконияти. ➤ Хусусий ҳамкор билан хавф-хатарларни бирга бўлишиш. ➤ Хусусий сектор томонидан тақдим этилган хизматлар сифати талабга мос келмаса, пул тўловларини камайтириш имконияти. ➤ Объектни ишлатиш учун бюджет харажатлари мавжуд эмаслиги, бюджет юкини камайтириш. ➤ Хусусий секторнинг бошқарув ва интеллектуал капиталини жалб қилиш 	<ul style="list-style-type: none"> ❖ Давлат-хусусий шериклик объектидан даромад олиш, товар ва хизматлар кафолатланган бозорларнинг мавжудлиги. ❖ Кутилаётган хавф-хатарларни давлат билан бирга бўлишиш. ❖ Давлат томонидан бериладиган кафолат ва имтиёзлар. ❖ Қарзларни молиялаштиришга жалб этиш ишконияти. ❖ Лойиҳа харажатларини давлат билан бўлишиш

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридаги жадвалдан давлат аҳамиятидаги йирик лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий шерикчиликнинг қанчалик муҳимлигини кўришимиз мумкин. “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунда ҳамкорликнинг бундай турига “давлат органлари ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги” [2] деб тавсифланганлиги ҳам бунга яқъол мисолдир. Давлат бошқаруви органлари, жумладан, жойлардаги ижро органлари давлат номидан шерик, маҳаллий ва хорижий инвесторлар эса хусусий шерик сифатида қатнашадилар. Давлат ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги, шерикликни амалга ошириш жараёнида қоида ва принциплар шаффоғлиги, хусусий секторни танлаб олишда мусобақалашув ва холислик, камситиш ва коррупцияга йўл қўйилмаслиги давлат-хусусий шериклигининг асосий принциплариdir. Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома З йилдан 49 йилгача бўлган муддатга тузилиши мумкин.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий

шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилган бўлиб, бу Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик соҳаси бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишда масъул этиб тайинланди. Бу агентлик республикада давлат-хусусий шериклик бўйича сиёсатни белгилайди, лойиҳаларни кўриб чиқади, тармоқ вазирликлари билан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги тендер хужжатлари ва шартномаларни мувофиқлаштиради, тендерларни ишлаб чиқиш, ўтказиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан ёрдам беради. Бундан ташқари Халқаро молия ташкилотларидан Осиё Тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ислом ривожланиш банки ва Жаҳон банки лойиҳаларда консультант (маслаҳатчи) сифатида иштирок этмоқда.

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан 2021 йил давомида тегишли вазирлик ва идоралар билан биргалиқда умумий қиймати 2,6 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлган 183 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари устида ишлар олиб борилди. Жумладан, соҳалар кесимида лойиҳалар сонини куйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



1-расм. 2021 йилда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг соҳалар кесимида таҳлили

Манба: Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Расм маълумотларидан кўришимиз мумкини, 2021 йил давомида давлат-хусусий шериклик асосида энг кўп лойиҳалар амалга оширилган соҳалар кесимида таҳлили келтириб ўтилган. Йил давомида мамлакатимизда соҳалар кесимида 13 та лойиҳа амалга оширилган. Расм маълумотларидан ташқари давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида энергетика соҳасида 5 та, коммунал хизматлар соҳасида 2 та ҳамда транспорт, спорт, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида 1 та лойиҳа устида ишлар олиб борилган.

2021 йил давомида давлат-хусусий шериклик асосида 183 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, лойиҳаларнинг 97 таси сув хўжалиги соҳасида амалга оширилган бўлиб, умумий лойиҳаларнинг ярмидан кўп қисмини, яъни 53 фоизини ташкил қиласди. Экология соҳасида 28 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, умумий лойиҳаларнинг 15,3 фоизини ташкил қиласди.

Демак, 2021 йил давомида давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган лойиҳаларда сув хўжалиги соҳасига катта эътибор берилётганигини кўришимиз мумкин. Мамлакатимиз сув хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларга қўйидаги имтиёзлар берилмоқда.

Сув таъминоти ва оқова сувларни бошқаришда [9]:

- барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловларни (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) тўлашдан 3 йил муддатга озод қилиш;

- импорт қилинадиган асбоб-ускуналар, буюмлар, эҳтиёт қисмлари ва материаллар учун божхона тўловларидан 3 йил муддатга озод қилиш.

Хулоса ва таклифлар. Мақоламида давлат-хусусий шерикчилик иборасига бир қанча хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикр ва му-

носабатларини кўриб чиқиб, фикримизча, “Давлат-хусусий шерикчилиги давлатнинг йирик иқтисодий лойиҳаларини амалга оширишда узоқни кўзлаб, мамлакат истиқболи учун узоқ муддатли стратегик ва инновацион вазифалари ва мақсадларидан келиб чиқсан, ҳар қандай ҳолатдаги юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни бир четга қўйиб, йирик ва ижтимоий аҳамиятга эга объектларни қуриш ва хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширувчи муносабатлар йиғиндисидир.

Давлат-хусусий шериклик келажакда амалга ошириш мумкин бўлган лойиҳаларни яратиш, реал маълумотлар билан шакллантириб ва мунтазам таҳлил қилиб бориш, лойиҳалар учун тренинг тизимини яратиш, инфратузилма ва ижтимоий соҳани қўшимча ривожлантириш борасида изчил ишларни белгилаш ва давлат шеригини танлашда шаффоф ва адолатли тизим ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб масаласидир.

Давлат-хусусий шерикликни давлатнинг ижтимоий объектларга нисбатан айрим бошқарув ваколатларини назарда тутувчи, анъанавий давлат хизматларини бажариш учун хусусий секторни жалб этувчи, миллий ва халқаро аҳамиятга эга ўта муҳим ва давлат учун ижтимоий аҳамияти юқори лойиҳаларни амалга ошириш бўйича давлат ва хусусий сектор, концессия ва операцион лизингга асосланган, транспорт, кўпприк, туннель, касалхона, мактаб, кўп функцияли спорт иншоотлари ва бошқа ижтимоий инфратузилмалар учун тузиладиган ҳамкорлик жуда муҳимдир. Бу ишларни амалга оширишда корхоналар ташкил қилишдаги рискларни тақсимлаш бўйича ўзаро муносабатлар, давлат ташкилоти ва хусусий компания ўртасида риск ва даромад, масъулият ва мажбуриятларни тақсимлаш бўйича келишув, давлат манфаатлари йўлида стратегик натижаларга эри-

шиш учун амалга ошириладиган ўрта ва узоқ муддатли давлат-хусусий сектор муносабатлари, ДХШ предмети давлат ва муниципиал мулк ҳамда ҳокимият органлари, бюджет сектори томонидан кўрсатиладиган хизматлардан ташкил топувчи давлатнинг хусусий сектор билан кенг иқтисодий фаолият турлари бўйича муносабатлари, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган – кўприқ, автомобиль магистраль йўллари, аэропорт, портлар каби стратегик обьектларини давлат мулкида қолдириб, хусусий секторга узоқ муд-

датли ижарага бериш билан боғлиқ муносабатлар, минтақа учун умумиқтисодий манфаатларга эришиш ва долзарб вазифаларни ҳал этишга қаратилган муҳим муносабатлар, давлатнинг бизнесга ҳукм ўтказиб, иқтисодиётга чуқур аралашувини эмас, балки у билан ҳамкорликда, лойиҳалар бўйича маслаҳатда ишлашини кўзда тутувчи, давлатнинг иқтисодий сиёсатининг умумий мақсадларига эришиш бўйича муносабатлар оқилона ечимини топиш бўйича муҳим таклифларни ишлаб чиқишимиз керак.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бик С.И., Радзиевский А.С. Концесии, изменившие мир. – М.: Коттон лейбл, 2014. – 224 с.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли қонуни. www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz.
4. Дынин Е. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве. // Общество и экономика, 2007. № 5-6. – 111 с.
5. M. Gerrard. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations? // Finance & Development. 2001. Vol. 38.
6. Национальный центр ГЧП, <http://pppcenter.ru/assets/files/18102018-ruk.pdf>
7. World Bank Institute. / PPIAF, Public-Private Partnerships Reference Guide, Washington DC, 2012.
8. Джуманиязов У. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айrim назарий-услубий масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. З-сон, 2017 йил май-июн.
9. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги www.pppd.uz сайти матълумотлари.